


ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар жуда узоқ тарихга бориб тақалади. Марказий Осиё ҳудудида давлатчилик муносабатлари шакллана бошлабдики, бу икки халқ ўртасида маданий, иқтисодий ва дипломатик

алоқалар амалга ошириб келинган. Бизнинг халқларимизни умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, ўзаро ҳурмат ҳамда яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари бирлаштириб туради. Бу яқинлик Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар учун мустаҳкам замин, асосий тамойил бўлиб хизмат қиласди.

Икки мамлакат ўртасида ўзаро дипломатик алоқалар 1992 йилда ўрнатилган бўлиб, шу кунгача икки мамлакат ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада юздан ортиқ шартнома ҳамда келишувлар имзоланган.

Ўтган қисқа давр — олти йил ичидаги ўзбек-тожик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун улкан ишлар амалга оширилди. 2016 йил сентябрдан то шу кунга қадар Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари 8 марта учрашдилар, бир қатор телефон сўзлашувлари амалга оширилди.

Бугунги кунда мазкур икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик амалга ошириб келинмоқда. Бунга ёрқин мисол тариқасида 2016 йилдан кейин ушбу икки давлат ўртасидаги чегаралар очилиб фаол алоқалар йўлга қўйилди. Хаттоқи автобус қатновлари ҳам амалга оширилмоқда. Олий ва ўрта маҳсус ҳамда халқ таълими соҳасида ҳам фаол ҳамколик олиб борилмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифати Тожикистонда ўзбек тилига асосланган мактаблар Ўзбекистонда тожик тилига асосланган мактаблар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари икки томонлама савдо айланмаси ҳам йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки бугун Тожикистон минтақада катта сув-энергетика ресурсларига эгадир. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистон сув-энергетика ресурсларидан минтақа мамлакатлари манфаатлари билан ҳисоблашган ҳолда оқилона ва тенглик асосида фойдаланиш зарурати ҳақида бир тўхтамга келди. Хорижий эксперталар қайд этганидек, ушбу йўналишдаги ўзбек-тожик муносабатларининг конструктив характери Марказий Осиёда сув хавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақавий ҳаракатларга фаоллаштирувчи таъсир этиши мумкин.

Айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда минтақада янгича сиёсий иқлим вужудга бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти охирги йилларда энг аввало қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Бу эзгу мақсад, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланди ва энг муҳими изчиллик билан амалга оширилди. Ва бу жараён узлуксиз давом этиб келмоқда. Қўшни ва қардош халқларимизнинг алоқаларини жиплаштириш, давлатлараро муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш ташки сиёсатимизнинг устувор йўянлишига айланди.

Тожикистон Ўзбекистонни минтақада олиб бораётган хавфсизлик ва барқарорлик, қўшничилик сиёсатини, яъни позициясини қўллаб қувватлайди ва бу борада Тожикистон томони ҳам манфаатдорлигини таъкидлаб келади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифиға биноан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказдилар. Мазкур учрашувда давлат раҳбарлари биродар ҳалқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталариға асосланган ўзаро манфаатли Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Музокараларда асосий эътибор икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг кун тартибини тубдан кенгайтириш масалалариға қаратилди. Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг барча йўналишларда ютуқларга эришилгани эътироф этилди. Олий даражадаги музокараларда эришилган келишувлар муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам алоқалар фаол йўлга қўйилганлиги томонидан таъкидланди. Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон кўп қиррали Ўзбекистон-Тожикистон стратегик шериклигини янада ривожлантириш йўлидан қатъий боришлирини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари савдони фаол кенгайтириш ва саноат кооперациясини кучайтириш, икки мамлакатнинг логистика ва транзит имкониятларини ривожлантириш ҳамда сув энергетикаси лойиҳаларини амалга ошириш орқали муносабатларни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканликларини билдирадилар.

Минтақавий ва ҳалқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур учрашувларда яна бир муҳим тадбир Тожикистон Президентининг ташрифи доирасида Зарафшон дарёсида Яван гидроэлектр станцияси қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон рамзий тугмани босиб, қурилишга старт бердилар.

Ушбу иншоот энергетика соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликда биринчи иирик лойиҳа бўлади. 140 мегаватт қувватли замонавий станция

мамлакатларимиз энергетик хавфсизлиги, сув ва қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Икки томонлама олий даражадаги учрашувда ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасида кўп қиррали Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 11 та ҳужжат имзоланди.

Мазкур учрашувдаги энг муҳим қарор бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тарихий аҳамиятга эга **Абадий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик** тўғрисидаги декларацияни имзоланиши бўлди десак адашмаган бўламиз.

Тошкентда дўстона муҳитда олиб борилган музокараларнинг конструктив руҳи сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда катта миқёсдаги икки тарафлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш омили бўлди. Бугун ҳар икки мамлакат раҳбарлари кўп томонлама шерикчиликни изчиллик билан ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қатъий хоҳиш, шунингдек, янги марраларни елкама-елка туриб забт қилишга бўлган интилишни намоён этмоқда.

Сўнгги сўз ўрнида айтишимиз мумкинки икки давлат раҳбарларини учрашувлар икки давлат ва ҳалқларни ҳар томонлама яқинлашатиради ва ўзаро дипломатик алоқалари ва стратегик шерикчилигини янги марраларга олиб чиқади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати аъзоси, сенатор
А.САНГИНОВ**

Узун тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати